

ТУРЛИ ХИЛ ИТЛАР ТОМОНИДАН КАМ ХОЛЛАРДА  
ЕТКАЗИЛГАН ЖАРОХАТЛАР

Исмаилов О., Исмаилов Р.А., Кузиев У.С.

ТТА Урганч филиали, патоморфология кафедраси, Урганч ш.

**Аннотация.** Ушбу мақолада ҳозирги даврда кам учрайдиган ҳар хил зотли итларнинг одамларни қопиши натижасида тан жароҳати олишлари ва қон кетиши оқибатида ўлимнинг келиб чиқиши сабаби, клиник ва морфологик кўринишлари ёритилган. Итлар қопиши сабабли одамларда келиб чиқадиган қутуриш касаллиги профилактикаси ҳақидаги фикрлар батафсил баён қилинган.

Калит сўзлар: суд тиббиёти, қутириш, ногиронлик, тан жароҳати, ўлим.

*РЕДКИЕ СЛУЧАИ ПОВРЕЖДЕНИЯ ТЕЛА СОБАКАМИ*

Исмаилов О., Исмаилов Р.А., Кузиев У.С.

Ургенчский филиал ТМА, кафедра патоморфологии, г. Ургенч.

**Аннотация.** В этой статье рассматриваются причины, клинические и морфологические проявления происхождения смерти, вызванной травмами и кровотечениями, вызванными укрытием людей различными породами собак, которые редки в текущий период. Подробно изложены мнения о профилактике заболевания бешенством, вызываемого людьми, благодаря укрытию собак.

**Ключевые слова.** Судебная медицина, бешенство, инвалидность, телесное повреждение, смерть.

*RARE CASES OF BODY DAMAGE BY DOGS*

Ismailov O., Ismailov R.A., Kuziev U.S.

*Urgench branch of TMA, Department of Pathomorphology, Urgench s.*

**Annotation.** This article discusses the causes, clinical and morphological manifestations of the origin of death caused by injuries and bleeding caused by the shelter of people by various breeds of dogs, which are rare in the current period. Opinions on the prevention of rabies disease caused by humans, thanks to the shelter of dogs, are presented in detail.

**Key-words.** Forensic medicine, rabies, disability, bodily injury, death.

Уй итларини қаровсиз қўйиш оқибатида уларнинг одамларга ҳужум қилишидан тишлиб жароҳат етказиш ҳолатлари кам учраса ҳам суд тиббиёти амалиётида ўтказилган текширувлар Хоразм вилоятида учраган ягона холатdir.

Фақат битта ушбу ҳолат бўйича 1975 йилда Москвада чиқадиган суд тиббий экспертиза журналида худди шундай мақола чоп этилган бўлиб унда ички аъзолардаги жароҳатнинг ҳаётийлиги ҳақида баён этилган.

Қарорда кўрсатилаган воқеа тафсилотида 26 ёшли иккинчи гурух туғма ногирони К.К. исмли шахсга дайди итлар томонидан тишланиши натижасида жароҳат олганлиги факти бўйича уни оғир ахволда РШТЁИМ жонлантириш бўлимига соат 6:30 да одамлар томонидан келтирилган ва у ерда 1 сутка давомида даволаш муолажаларини ўtkазилишига қарамай соат 6:30 да эртаси куни вафот этган.

Экспертизага тақдим қилинган воқеа жойини қўздан кечириш баённомаси нусхасида мурда ҳақида хеч қандай маълумот йўқ.

Тиббий хужжат №1268\701-сонли РШТЁИМ ХФ реанимация бўлимида фуқаро К.К номига ёзилган тиббий баёнда кўрсатилишича у шифохонага оғир ахволда олиб келинган чуқур кома ҳолатида, ташқи таъсирларга жавоб бермайди. Бемор интенсив постга ётқизилди. Реаниматологлар давоси бошланди. РШТЁИМ ХФ директори томонидан bemor кўрилди ва дарҳол операция хонасига олишга кўрсатма берилди. 2-хирургия бўлимига стационар даво учун ётқизилди. Беморни танаси қон ва ахлат билан ифлосланган. Тана ҳарорати 37,0 С. Кўкрак кафасини пайпаслаганда оғриқсиз, нафас олиши юзаки. НОС 22 марта минутига. Ўпкада суст нафас. Юрак тонлари бўғик. АКБ 20/00 мм.уст.тeng. Томир уриши қўл томирларида аникланмайди. Оғиз бўшлифи тоза, тили оқ караш билан қопланган бўлиб, нафас йўлларида қон аникланмайди. Қорин юмшоқ. Жигар ва талок катталашмаган, қўлга илмайди. Бемор бошини энса қисмида йиртилган яра бўлиб, ўлчами  $10 \times 2,0$  см, ундан қон кетмоқда. Беморни ўнг қулоғи батамом узиб олинган бўлиб, супраси йўқ, у ердан қон оқмокла, шу соҳада яранинг ўлчами  $6 \times 5$  см, қулоқ тешиги сақланган. Чап қулоғини юқори қисмида тишлаб йиртилган яра бор, қулоқ супрасини териси остида қулоқ тоғайи кўринади. Беморни чап қўли ва оёғи туғма нуқсонли экан. Иккала қўлида ва иккала оёғида жуда кўп микдорда чуқур тешиб йиртилган яралар бўлиб улардан қон оқмоқда. Яраларнинг умумий сонини аниқлашни иложи йўқ.

Буйраклар соҳаси терисида қизариш ва шишлар кузатилмайди. Пайпаслаганда буйраклар қўлга илмайди. Қов устида қовук аникланмайди. Ташки жинсий аъзоларини кўрганда эркакча ривожланган, ёрғоқ терисида тишлаб йиртилган яра бўлиб, ярадан иккита мояқ ташқарига чиқсан ҳолатда турибди. Ярадан қон оқмоқда. Мояклар ўлчами  $4 \times 3 \times 2$  см бўлиб уларда қонталаш бор. Ташки жинсий олат терисида 2 мм юзаки яра ва қонталаш аникланади. Беморни ахволи инобатга олиниб травм постда яралари 20% совун эритмаси билан тозаланди. Беморга Вероцел 1 доза ва ПСС 1 доза қилинди. Беморни

интенсив палатада хирург, нейрохирург күриги ўтказилди. Беморни ахволи жуда оғир бўлиб, чукур кома ҳолатида ташқи таъсирларга жавоб қилмайди. Кўкрак қафасини пайпаслаганда оғриксиз, нафас олиши юзаки. Бемор реаниматолог врачи томонидан кўрилиб ўмров ости венасига катетр қўйилди. Инфузион терапия бошланди. Шу муолажалардан кейин bemor ахволи жуда оғирлиги инобатга олиниб хаётий кўрсатма билан операцион хонага олинди. Беморга операция хонасида ёрғок очиқ ярасини тикиш, дренажлаш, қулоқлаги яраларни тикиш. Иккала қўл ва оёқдаги яраларга босувчи боғламлар қўйилди. Операцион хонада санавиация орқали ЛОР врачи, қон томир хирурги, нейрохирург, хирург чақирилиб, улар томонидан ўз яраларига ишлов берилди. Операция давомида реанимацион муолажалар давом қилдирилди. Клиник анализлари: умумий қон анализи гем 78 г/л, лей 10900. Биохимик анализлари қонда АЛТ 45 ЕД.А Креатинин 155 мкмоль. Умумий оқсил 54,2 г/л. Глюкоза 1,5 ммоль. Беморга реанимацион чоралар давом қилинди, унга қон компонентлари қўйилди, инфузион терапия ўтказилди, шунга қарамасдан bemorда қон босими қўтарилими. Умумий ахволи яхшиланмади. Нафас ИВЛ орқали. Беморда соат 06.00 да ўткир юрак етишмовчилиги кузатилди. Юрак тўхташи, асистолия кузатилди. Беморга ўтказилган реанимацион чора тадбирларга қарамасдан bemorда юрак фаолияти тикланмади. Соат 06.30да биологик ўлим қайд қилинди. Ташхис: Ташқи жинсий аъзоларни очиқ яраси. Ёрғоқни тишлаб йиртилган яраси. Иккаламожни ташқарига чиқиши, қон томирлари ва нерв тутамларининг тўлиқ узилиши. Бош, қулоқ, иккала қўл ва оёқни кўплаб тишланган яралари. Асорати: Кома ҳолати оғир даражаси. Постгеморрагик шок оғир даражаси. Постгеморрагик анемия оғир даражаси. Ўткир юрак қон томир етишмовчилиги. Ёндош: Туғма чап қўл ва чап оёқ нуксони. Ақлий заифлик.? (тиббий баёнда).

Мурдани ташқи текширганда у секцион столда юзи билан тепага оёқ кўллари чўзилган холатда ётибди. Мурданинг кийимлари йўқ. Унинг бошида, иккала қулоғида, иккала сон соҳасида ассептик боғлам қўйилган, боғламлар қон билан ифлосланган. Ўнг ўмров ости венасига катетр қўйилган. Туриши қаниқарли. Иккала ёрғоқ соҳасида катетр қўйилган, қаниқарли. Мурда доғи танасининг орқа ва ён юзаларида суст ривожланган тўқ қизгиш рангда бармок билан босганда йўқолади ва 30 сонияда ўз рангига қайтади. Мурдани текширилувчи мушаклари-юқори жағида қотиш яхши ривожланган, кўлларида суст ривожланган, оёқларида қотиш йўқ. Ўнг қулоқ супраси батамом йўқ. Иккала ёрғоқ соҳасида тикилган яра кузатилади. Бошини энса соҳасида тикилган яра бўлиб, узунлиги 11 см, кўндаланг жойлашган 9 та чок қўйилган. Чап қулоқ супраси устида ва орқа юзасида иккита тикилган яра бўлиб, узунлиги 1,2 см, битта чок қўйилган ва 2,5 см иккита чок қўйилган, қийшиқ кўндаланг жойлашган. Пешонасида, бурун устида, иккала ёноқ соҳасида, юқори ва пастки

жағ соҳаларида кўплаб хар хил йўналишдаги шилинмалар бўлиб, овалсимон ва йўлакчасимон шаклларда ўлчамлари  $0,8 \times 0,6$  смдан  $2 \times 0,8$  смгача қизғиш рангда, тери сатҳидан паст жойлашган, айримлари чизиқсимон шаклда, бир бирига паралел жойлашган икки ва учтадан шилинмалар мавжуд. Ўнг қулоқ супраси тўлиқ узуб олинган, ўрнидаги қолдиқ тери жароҳатининг қирғоқлари нотекис, қон қуйилган, майда қийқимчалардан иборат, ўлчами  $7 \times 5,6$  см. Ўнг чакка соҳасида яра бўлиб, ўлчами:  $5 \times 0,5 \times 0,8$  см, қирғоқлари нотекис, майда тишсимон қийқимчалардан иборат, яранинг иккала тугалланган учлари юмалоқ кўндаланг жойлашган, яра тубида мушак толалари тарқоқ жойлашган, қон қуйилган, шу ярадан 6 см пастда шундай яра бўлиб ўлчами  $4 \times 0,5 \times 0,3$  см. Кўкрак қафаси олдинги юзасида ўнг томонда олдинги қўлтиқ ости чизиги бўйлаб, елка камарида, елкасида, тирсак бўғими ташқи юзасида, билак ва кафт соҳаларида кўплаб яралар бўлиб, ўлчамлари  $1 \times 0,8$  смдан  $3 \times 1$  смгача овалсимон ва йўлакчасимон шаклларда, қирғоқлари нотекис қон қуйилган, иккала тугалланган учлари юмалоқ, яра туби хар хил чуқурлиқда мушаклардан иборат, қон қуйилган. Шу соҳаларда яралар атрофида кўплаб шилинмалар бўлиб, ўлчамлари  $0,8 \times 0,5$  смдан  $2,5 \times 1$  смгача, овалсимон шаклларда, қизғиш рангда, тери сатҳидан паст жойлашган. Чап елка, билак ва кафт усти соҳаларида, тарқоқ жойлашган кўплаб яралар бўлиб, турли чуқурликларда, ўлчамлари  $1 \times 0,7 \times 0,5$  смдан,  $6 \times 3 \times 0,8$  смгача овалсимон ва ноксимон шаклларда қирғоқлари нотекис қийқимчасимон, қон қуйилган, яра туби мушакдан иборат бўлиб қон қуйилган. Ушбу яралар соҳасида кўплаб шилинмалар бўлиб, турли йўналишда жойлашган, ўлчамлари  $1 \times 0,7$  смдан  $4 \times 0,9$  смгача овалсимон ва йўлакchasимон шаклларда тўқ қизғиш рангда, тери сатҳидан паст жойлашган. Иккала сон, болдир, тизза соҳаларида худди қўлларида каби кўплаб яралар ва шилинмалар бўлиб, яраларни ўлчамлари  $1 \times 0,6 \times 0,4$  смдан  $2 \times 0,7 \times 0,4$  смгача, шилинмаларнинг ўлчамлари эса,  $0,8 \times 0,5$  смдан  $1,5 \times 0,4$  смгача. Ёрғоқ халтасида олдинги- ён юзаларида, кўндаланг йўналган тикилган яра бўлиб, узунлиги 11 см 9 та чок қўйилган, чокларни туриши қаниқарли. Мурдани ички текшируvida бошини юмшоқ тўқимасини кесиб кўрганда, ички юзасида энса соҳасида тикилган яра бўйлаб, ўлчами  $12 \times 3$  см қон қуйилиш аниқланди, қолган соҳалари оқимтирип пушти рангда. Бош суюги гумбази ва асоси бутун. Бош суюги ички бўшлиғида ўзгариш аниқланмади. Кўкрак соҳаси юмшоқ тўқимасини ўрта чизиқ бўйлаб кесганда ва ўнг томон юмшоқ тўқимаси ажратилганда олдинги қўлтиқ ости чизиги бўйлаб, 5-6 қовурға соҳасидаги мушакда қон қуйилиш аниқланди. Аммо бу соҳада кўкрак бўшлиғига ўтувчи жароҳат аниқланмади. Ёрғоқ халтасини кесиб бўшлиғи очилганда маякларида парда остига қон қуйилишдан бошқа жароҳат аниқланмади, халтанинг ички юзаси деворида жароҳат бўйлаб қон қуйилганлиги, иккала маякининг устки пардасига сийрак, овалсимон шаклда, ўчоқли қон қуйилганлиги аниқланди.

Суд кимё текшируvida Қ.Қ нинг мурдасидан олинган ички аъзолардан (жигари ва буйрак) барбитурат, опиатлар ва этил спирт топилмади. Суд гистологик текшируvida аутопсия материалларидан тайёрланган гистопрепаратларни микроскопик текшируvida юракда ўткир қон йўқотиш натижасида миоцитларнинг гипоксик дистрофияси, томирларнинг спазми натижасидаги миоцитларнинг шиши. Ўпкада сурункали бронхит ва нафас етишмовчилиги, бош мияда шиш, паренхиматоз ички аъзоларда постгеморрагик шок ва постгеморрагик анемия белгилари. Аъзоларда кескин камқонлик, периваскуляр ва майда ўчоқли диапедезлар, оралиқ шиш, дистрофик ўзгаришлар. Жигарда гепатоцитларнинг вакуол дистрофияси, буйракда нефрит. Талоқда лимфоид фолликулаларнинг гипоплазияси.

Хулоса қилиб айтганда Қ.Қ нинг ўлимiga бош, юз, иккала қўл ва оёқларидаги, ўнг қўлтиқ остида ва ёрғоқ халтасидаги, иккала қулоғидаги қўплаб йиртилган лат яралардан ташки қон кетиши натижасида юзага келган постгеморрагик ва посттравматик шок сабаб бўлган. Бу жароҳатлар турли зотли итларнинг тишлаши оқибатида келиб чиққан бўлиб, бу фожиали ҳодисани сабабчиси қишлоқ жойларида дайди-уй итларининг эркин холда қаровсиз юбориб қўйишилари натижасида инсонларга нафақат жароҳат етказиши ва ўлимга олиб келиши, балки қутуриш касалликларини тарқалишига хам сабабчи омил бўлиши мумкин.

Юз соҳасида кўплаб чизиқсимон шилинмалар бўлиб уларнинг характери ва жойланишини инобатга олганда бу шилинмалар итларнинг оёқ панжаси тирноқларидан келиб чиққан бўлиши мумкин.

Ушбу жароҳатларнинг келиб чиқиши механизмлари классификацияда келтирилган ёввойи хайвонларнинг тишлари таъсирида етказилган тери қопламасидаги жароҳатларга айнан тўғри келади.

### **Адабиётлар.**

1. А.А. Лукаш Прижизненное повреждение тела и внутренних органов собаками. Судебно – медицинская экспертиза. Журнал №3, Москва, 1975 г.
2. Медико-криминалистическая идентификация. Под общей редакцией В.В. Томилина. М: Издательская группа Норма-Инфра –М 2000.
3. Свадковский Б.С. Учебное пособие по судебно-медицинской стоматологии. М: Медицина 1974; 175: 90-111.
4. Миронов А.И. Следы зубов животных. Труды ВНИИ МВД РСФСР. М 1961; 4.
5. Rakhimov, Bakhtiyor; Rakhimova, Feroza; Sobirova, Sabokhat; Allaberganov, Odilbek; ,Mathematical Bases Of Parallel Algorithms For The Creation Of Medical Databases,InterConf,,,2021,

6. Rakhimov, Bakhtiyor Saidovich; Rakhimova, Feroza Bakhtiyorovna; Sobirova, Sabokhat Kabulovna; Kuryazov, Furkat Odilbekovich; Abdirimova, Dilnoza Boltabaevna; ,Review And Analysis Of Computer Vision Algorithms,The American Journal of Applied sciences,3,5,245-250,2021,
7. Saidovich, Rakhimov Bakhtiyor; Bakhtiyorovich, Saidov Atabek; Farkhodovich, Babajanov Boburbek; Ugli, Karimov Doston Alisher; Qizi, Musaeva Mukhtasar Zayirjon; ,Analysis And Using of the Features Graphics Processors for Medical Problems,Texas Journal of Medical Science,7,,105-110,2022,
8. Rakhimov, Bakhtiyor; Ismoilov, Olimboy; ,Management systems for modeling medical database,AIP Conference Proceedings,2432,1,060031,2022,AIP Publishing LLC
9. Rakhimov, Bakhtiyor S; Khalikova, Gulnora T; Allaberganov, Odilbek R; Saidov, Atabek B; ,Overview of graphic processor architectures in data base problems,AIP Conference Proceedings,2467,1,020041,2022,AIP Publishing LLC
10. Saidovich, Rakhimov Bakhtiyor; Kabulovna, Sobirova Sabokhat; Bakhtiyorovna, Rakhimova Feroza; Akbarovna, Allayarova Asal; Bakhtiyorovich, Saidov Atabek; ,ANALYSIS OF THE GRAPHICS PROCESSORS FOR MEDICAL PROBLEMS,PEDAGOGS jurnali,11,4,167-177,2022,
11. Rakhimov, Bakhtiyor Saidovich; Saidov, Atabek Bakhtiyorovich; Shamuratova, Inabat Ismailovna; Ibodullaeva, Zarnigor Olliyor Qizi; ,Architecture Processors in Data Base Medical Problems,International Journal on Orange Technologies,4,10,87-90,2022,Research Parks Publishing.
12. Saidovich, Rakhimov Bakhtiyor; Musaevich, Yakubov Durumboy; Bakhtiyorovich, Saidov Atabek; Qizi, Saidova Zarina Bakhtiyor; ,ANALYSIS OF THE DEVICE FEATURES OF GENERAL-PURPOSE PROGRAMMABLE GRAPHICS PROCESSORS,CENTRAL ASIAN JOURNAL OF MATHEMATICAL THEORY AND COMPUTER SCIENCES,4,1,100-103,2023,